Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 31 январь, чоршанба • № 9 (10.784) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 январь куни Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Е. Примаков, мудофаа вазири П. Грачёв ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик вазири В. Серовни қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида гап борди. Ислом Каримов бу алоқалар бундан кейин ҳам ўзаро теннглик ва ҳамкорлик асосида ривожланишига ишонч билдирди. Суҳбат чоғида, шунингдек, қўшни Тожикистон Республикасида юзага келган вазият, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги воқеаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1995 йил 21 декабрь.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«ЮЛДУЗ», «ҚУЁШ» ХАРИДОРЛАР УЧУН

«Бекободгўшт» акционерлик жамияти 1996 йилнинг дастлабки кунларида шаҳар аҳолиси учун яна бир озиқ-овқат турини тортиқ этди.

Бу ерда «Юлдуз», «Қуёш», «Наврўз», «Навбаҳор» деб номланган янги турдаги дудланган колбасалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотлар харидорларга маъқул келди. Дўконларга чиқарилган колбасалар тезда ўз харидорларини топди. Акционерлар йил давомида бундай маҳсулотларнинг 15 хилдаги янги турларини ишлаб чиқаришни режалаштирганлар. Нима ҳам дердик, ишингиз бароридан келсин!

«МУЛЛАДОНО» ТЕЛЕВИЗОР АЛМАШТИРАДИ

Бекобод шаҳридаги «Мулладоно» кичик корхонаси аҳоли ва ташкилотлар учун янги хизмат турини жорий этди.

Гап шундаки корхона жамоаси аҳолидан бузилган, ишга яроқсиз телевизорларни келишилган нархда нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб ола бошлади. Бу ерда умуман яроқсиз деб ҳисобланган «ойнаи жаҳонлар» қайта таъмирланиб яна савдога чиқарилмоқда. Аҳоли гавжум жойда шаҳар катта бозори ёнида фаолият кўрсатаётган ушбу корхонанинг ишлари юришиб кетса ажаб эмас.

ДАРМОН -НОН ДАРДИНГИЗГА ДАРМОН

«Чирчиқнон» акционерлик жамияти шаҳар аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида янги турдаги «Дармон нон» тайёрлашни йўлга қўйди.

60 фоиз жавдар ва 40 фоиз биринчи нав буғдой унидан тайёрланаётган дармон нонлар инсон организми учун жуда фойдалидир. Турли минерал моддалар ва витаминларга бой нонлар айни пайтда шаҳардаги барча савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

КУЛИНГ, ЎҚИШИНГИЗ АЪЛО БЎЛАДИ

Дарҳақиқат, инсонни яхшиликка, эзгу ишларга етакловчи таомиллардан бири хуш кайфиятдир.

Бекобод шаҳри халқ таълими ходимлари ўқувчи ёшларнинг яхши дам олиб, ўқишда юқори натижаларга эришишлари учун мактабларга тез-тез санъаткорларни таклиф этиб туришибди. Мирзо Улуғбек номидаги 16-ўрта мактабда тожикистонлик сўз устаси, аскиячи Жўрабек Сангинов билан учрашув ҳам қизиқарли ўтди.

Санъаткор ижросидаги ҳазил-мутоибага бой қўшиқлар, мактаб ҳаётига оид ичакузди ҳангомалар ўқувчиларга манзур бўлди.

— Доимо кулиб юрсангиз ўқишингиз аъло бўлади, дея «кафолат» берди кеча сўнгида Жўрабек қизиқ.

ЛИЦЕЙГА АЙЛАНГАЧ...

Тошкент туманидаги 10-ҳунар-техника билим юрти худудидаги энг обрўли ўқув даргоҳларидан бири эди.

У энди лицейга айлантирилди. Тез вақт ичида билим юрти тумандаги замонавий техника билан қуролланган ўқув марказларидан бири бўлиб қолади. Шу мақсадда Жанубий Кореядан зарур жиҳозлар, жумладан, компьютерлар сотиб олинди. Ўқувчилар энди ўзлари ўрганадиган ҳунар қаторида компьютер билан ишлашни, дастурлаш асосларини ҳам ўзлаштирадилар.

ЯНА 100 ТА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Республика ногиронлар жамиятининг Қибрайдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида юздан ортиқ одам ишга киришди. Тикув ва пойабзал устахоналарида, пайвандлаш цехида, электромоторларни ўраш цехларида иш қайнамоқда. Янги корхонанинг маҳсулотларини сотиш учун савдо шахобчалари ташкил этилмоқда.

Комбинат Меҳрибонлик халқаро корпуси ва Ўзбекистон ногиронлар жамияти томонидан танловга юборилган энг яхши лойиҳа асосида бунёд этилди. Янги қурилган комбинатнинг ҳомийларидан бири — ТошҒРЭС ва унинг қурилиш бўлинмалари, темир-бетон буюмлари заводидир. Улар комбинатга тегишли хом ашёларнинг пулини ўз ҳисобларидан ўтказиб бердилар ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қурилиш материаллари ҳам ажратдилар.

Меҳрибонлик халқаро корпуси (АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти қошида ташкил этилган) ва бошқа ғарблик шериклар Қибрай туманида қад ростлаган комбинат қурилишидаги барча ишлар намунали бажарилганидан кўнгиллари тўлди.

Ногиронларни реабилитация қилиш дастурида Қибрайда агрофирма ташкил этиш, кар болалар учун мактаблар очиш ва дўконлар тузиш каби режалар мавжуд.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ХОРИЖДАГИ ХАБАРЛАР

БОННИ. «Европа Иттифоқи (ЕИ) парламент ассамблеяси Россиянинг ҳамжамиятга қабул қилиниши ҳақидаги қарорни қувватлаш билан бу мамлакат очиқ демократик жамият қуриш йўлидан бораётганини эътироф этди», деди Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел ассамблея сессиясидаги баёнотида. Унинг сўзларига қараганда, Россиянинг Европа иттифоқига қабул қилиниши мамлакатдаги демократик кучларни қўллаб-қувватлашни англатади ва айни вақтда Россияни Европадан ажратишга бўлган уринишларига зарба беради.

* * *

ТЕЛЬ-АВИВ. Исроил ҳукумати Ғазо секторида ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида яшовчи фаластинлик араблар учун Қуддус шаҳрини ёпиқ деб эълон қилди. Исроил мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, бу қарор мусулмонлар учун муқаддас Рамазон ойида жума намозларининг ўтказилиши чоғида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

* * *

БАЙРУТ. Ливан Исроил билан тинчлик музокараларини қайтадан бошлашга тайёр. Бу мамлакат президенти Илёс Хиравий «Ливаннинг Исроил билан музокаралари учун зарур ҳужжатлар тахт бўлганини» айтди. У, шунингдек, Жанубий Ливандан Исроил аскарлари олиб чиқиб кетилгач, Ливан армияси бу ҳудуддаги хавфсизликни таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олишга тайёрлигини таъкидлади.

Маълумки, бу тадбир БМТ хавфсизлик кенгашининг 425 резолюциясида ўз ифодасини топган.

* * *

ДУШАНБЕ. Якшанба куни тунда Панж чегара отряди чегарачилари мухолифат аъзоси бўлган 7 нафар қуролли кишини Афғонистондан Тожикистон худудига ўтказишга уринишни барбод этдилар. Россия чегара қўшинларининг Тожикистондаги қўмондонлиги матбуот маркази хабарига қараганда, бошқа чегара постлари ҳам Афғонистондан реактив снарядлар билан ўққа тутилган.

* * *

АНҚАРА. Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Грецияни Туркия ҳудудларига даъво қилишда айблади. У ўтган ҳафтада Эгей денгизидаги икки кичик оролда Греция байроғи кўтарилгани муносабати билан шундай деди.

Туркия Бош вазири 50 — йилларда бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида Греция бу ороллар масаласини кўриб чиқишни таклиф этганини, бироқ кейинчалик бу масала хусусида мулоқот олиб боришдан бош тортганлигини эслатди.

(ЎзА).

Ўзбекистон — Ватаним маним

ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Республика Вазирлар Маҳкамасида 27 январь куни Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — ватаним маним»қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда мамлакатимиз истиқлолига бағишланган ана шу муҳим тадбирга тайёргарликнинг бориши атрофлича кўриб чиқилди. Бу ўзига хос санъат кўригини ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан ўтказиш лозимлиги, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида бу борада анчагина ибратли ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, биринчи босқич тадбирлари уюшқоқлик билан бошлаб юборилгани таъкидланди.

Бироқ, айрим вилоятларда мазкур тадбирнинг моҳиятига етарлича эътибор берилмаяпти. Мажлисда жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда тегишли вазирлик, уюшма, идора ва ташкилот раҳбарларининг кўрик-танловга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди. Шунингдек, йиғилишда Наврўз байрамини юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик ишлари қандай бораётгани хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов қатнашди.

(ЎзА).

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга кенг йўл!

РАҒБАТ, МАНФААТ, ИМКОНИЯТ

Пискентдаги «Шухрат ЛТД» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси «Ташаббус-95» кўрик-танловида энг яхши лойиҳа танлови бўйича ғолиб бўлди ва имтиёзли 5 миллион сўмлик кредит олишга муваффақ бўлди. Чиноз туманидаги «Муқимий» фермерлик хўжалиги эса йилнинг энг яхши бизнесмени деб тан олинди ва пул мукофоти билан тақдирланди.

ИҚТИСОДИЙ ислоҳотлар жараёни ишбилармон тадбиркорликни, аниқ ҳисоб-китоб билан иш юритишни талаб қилади. Бунинг учун эса ҳозиргидек ўтиш даврида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ниҳоятда зарур. Шу боис республикамиз Президентининг Фармони ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 июлда қабул қилинган қарори бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди — «Бизнес-фонд» ташкил этилган эди. Жойларда, шу жумладан вилоятимизда ҳам ўнинг бўлинмаси тузилган.

Шанба куни муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон тадбиркорлари ҳаётида икки муҳим воқеа содир бўлди. Ўтган йилги «Бизнес-фонд» фаолиятига ва айни вақтда «Ташаббус-95» танловига якун ясалди.

... «Туркистон» саройининг фойе ва заллари Республика вилоятлари тадбиркорлари уюшмаларининг энг сара маҳсулотлари ва буюмлари билан тўлдирилган. Кичик бизнес вакиллари ишлаб чиқараётган ҳар турли маҳсулотлар кўргазмага қўйилган бўлиб, уларнинг жилвасидан кўз қувнайди. Шу ернинг ўзида тадбиркорлар бир-бирлари билан фикр алмашиб, тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар, ўзаро шартномалар тузмоқдалар.

Тошкент вилоятининг «Шуҳрат ЛТД» (Пискент) маҳсулотлари, «Леском» қўшма корхонаси (Янгийўл), «Бунёд» (Бўстонлик), «Муқимий» фермерлик хўжалиги (Чиноз) ва бошқа кичик ва қўшма корхоналарнинг маҳсулот ва буюмлари ҳам кўргазмадан жой олган. Ҳозиргина яна бир корхона вакили билан навбатдаги шартномани имзолаган «Шуҳрат ЛТД» масъулияти чекланган илмий-ишлаб чиқариш фирмаси бош директорининг ўринбосари З. Имонқулов билан суҳбатлашамиз.

— Тошкент вилоятининг Республикадаги бошқа вилоятлардан алоҳида ажралиб турадиган жиҳатлари бор. Вилоятимиз ниҳоят даражада индустриал ва ишчи потенциалига, техник ходимлари ю, хом ашёларга анча бой, бундай имкониятлардан самаралли фойдаланмасликнинг ўзи гуноҳ. Олдимизда турган энг долзарб муаммолардан бири — миллий саноатимизни ривожлантириш, маҳсулотларимизни чет эл бозорига олиб чиқишдир. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни харидорбоп қилиб тайёрлаш керак. Бунинг учун эса мини заводлар зарур бўлади. «Шуҳрат ЛТД» фирмаси 270 дан зиёд илмий-ишланмалар устида изланиш олиб бормоқда, кўплаб авторлик гувоҳномалари ва патентларга эгамиз. Жамоанинг асосий иш йўналиши маҳаллий хом ашёни техник жиҳатдан қайта ишлаб, керамика, чинни, шиша каби бир қатор ниҳоятда зарур қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Асосий жиҳозларимиз хориждан сотиб олинган. Электрбардошли ва ўтга чидамли халқ истеъмол буюмлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзининг хусусий техник ишланмаси ва лойиҳа чизмалари асосида «Орзу-100» мини заводини яратди. Ҳозир у жуда харидоргир. Биргина бугунги кўргазманинг ўзида 10 млн. сўмга яқин шартномалар имзоланди. Яна бир нечаси имзоланиш арафасида.

«Орзу-100» кичик заводи ёрдамида мева ва полиз маҳсулотларидан шинни, мураббо ва сабзавотдан консервалар, томат пастасидан тортиб қанд лавлаги шарбатигача олиш мумкин. Ҳозирги кунда меваларнинг табиий кукунларини олиш жараёнини ҳам бажармоқдамиз.

Кўпгина хориж техникасига ҳавас қилиш бизда одат бўлиб қолган. Чет эл фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулот, мева-сабзавотлар у ерларда ғектар-гектар қилиниб, бир хилда сара уруғлар экилган ҳолда, бир текисда ҳосили ундириб олинади, навларга ажратилади. Бизда эса ҳаммаси аралашиб кетган. Катта пул сарфлаб хориж техникасини сотиб олганингиз билан, улар бунақа аралаш маҳсулотни саралаб беролмайди. Шу боис барча ишларимиз жаҳон стандартларига мос келгунига қадар ерларимизда етиштирилаётган нотекис маҳсулотларни бир сидра қайта ишлайдиган бизнинг автоматлаштирилган мини заводлар хўжаликларга анча асқотади.

Вилоятда бизнес-фонд фаолият кўрсатаётганини, ҳатто «Ташаббус-95» кўрик-танлови ўтказилаётганини ноябрь ойининг охирларидагина эшитиб қолдик. «Бизнес-фонд» вилоят бўлимининг янги бошлиғи Абдурауф Бўтаевнинг саъй-ҳаракати туфайли биз каби тадбиркорлар бу янгиликлардан огоҳ бўлишди. Аввалроқ эшитганимизда бундан ҳам юксак натижаларни қўлга киритган бўлармидик...

Бизнес-фонддан 1996 йил 1 январга қадар 548 нафар тадбиркорга 577,4 миллион сўм миқдорида (вилоятимизда бу рақам 27 тадбиркорга 37790 млн. сўм) маблағ ажратилгани, шундан 119 млн. 500 сўми эса ҳудудий бошқармалар томонидан лойиҳаларни сармоялар билан таъминлаш мақсадида берилган, бир кредитнинг ўртача миқдори деярли 1 млн. сўмга тўғри келди. Кредитлар «Ўзтадбиркорбанк» томонидан «Мадад» суғурта агентлигининг суғурта ҳужжатига биноан берилган. «Бизнес-фонд» шунингдек, кичик корхоналарнинг низом жамғармасига 25 млн. сўм миқдоридаги маблағи билан иштирок этди. Мазкур жамғарма қайта тузилгач, берилган кредитларнинг умумий миқдори қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга — 28 фоиз, фермер хўжаликларни ривожлантиришга — 18 фоиз, маҳаллий саноатни ривожлантиришга — 26 фоиз, маиший хизмат кўрсатишга — 14 фоиз сарфлангани анжуманда таъкидлаб ўтилди.

«Бизнес-фонд», «Ўзтадбиркорбанк», ташки иктисодий фаолият миллий банки ҳамда давлат мулки қўмитаси ҳамкорлигида мунтазам равишда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш мақсадида мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон тадбиркорларининг «Ташаббус» танлови ўтказиб келинмоқда. Бу йилги «Ташаббус-95» кўрик-танлови якунларига кўра вилоятимизнинг Чиноз туманидаги «Муқимий» фермерлик хўжалиги жамоаси «Йил тадбиркори» номига сазовор бўлди. Уларга 25 минг сўм пул мукофоти ҳам топширилди. Шунингдек, «Йил лойиҳаси» танлови бўйича Пискент туманидаги «Шуҳрат ЛТД» ИИБ 5 млн. сўмлик имтиёзли кредит билан тақдирланиб, у ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Вилоятимиздаги Янгийўл туманида жойлашган 26-ҳунар-техника билим юрти ва Янгийўлдаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Леском» қўшма корхонаси маҳсулотлари, Бўстонлиқ туманидаги «Бунёд» кичик корхонаси ғиламлари қурултой иштирокчилари таҳсинига сазовор бўлди.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Давлат мулки қўмитасининг Раиси Виктор Чжен иштирок этди ва қурултой қатнашчиларига ҳукумат раҳбарларининг самимий табригини етказди, ғолибларга тантанали равишда мукофотларни топширди.

Миржалол МИРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: Ўзбекистон тадбиркорлари республика касаба уюшмаси Марказий кенгаши Раисининг муовини (чапдан) У. Шодиев, «Бизнес-фонд» етакчи мутахассиси Х. Маматкулов, маркетинг бўлими бошлиғи А. Далиев, кредит бўлими бошлиғи Ш. Исроиловлар танловга тақдим этилган лойиҳалар устида фикрлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»

ИЙМОНИ БОР КИШИГИНА ВАТАННИ МАДҲ ЭТА ОЛАДИ

Давримизнинг бугунги энг муҳим масалаларидан бири — янги давлатчилигимизни барпо этиш, озод ва обод юртимизнинг ҳақиқий эгалари бўлган собит фарзандларни камолга етказишдир.

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 декабрдаги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарорини шаҳримиз аҳолиси кўтаринки руҳда қабул қилди, чунки Ватандан буюк нарса йўқ, у саждагоҳ, у ҳақида қайғурмоқ, унинг ривожига улуш қўшмоқ, уни мадҳ этиб куйламоқ катта бир бахт. Иймони бор кишигина Ватанни севиб мадҳ эта олади.

Ушбу кўрик-танловни ўтказиш бўйича шаҳар ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ ташкилий қўмита, кўрик-танлов ҳайъати тузилиб, тадбирлар, кетадиган сарф-ҳаражатлар белгилаб олинди.

Шаҳарда кўрик-танлов ўтказилиши тўғрисидаги қарор, низом маҳаллий оммавий ахборот воситаларида тўлиқ ёритилди, давра суҳбатлари ўтказиляпти.

Ишлаб чиқилган низомга кўра бу кўрик-танловда ёшидан қатъий назар барча миллат вакиллари, нафақат малакали мутахассислар, балки ижодкор, изланувчан ҳаваскор хонандалар қатнашадилар.

Халқимиз орасида «Мактаб куйласа — Ватан куйлайди» деган ибора бор. Шу иборага амал қилган ҳолда болалар қўшиқларига алоҳида этибор беришни лозим топдик. Чунки собиқ иттифоқ бўлиниб кетганидан сўнг болалар севиб куйлайдиган қўшиқларимиз бармоқ билан санарли. Болалар орасида куйланадиган «Кракодил Гена», «С днем рождения», «Пусть всегда будет солнце» қўшиқлари ўрнига шу кўрик-танлов муносабати билан болажонларимизнинг руҳиятини, шодлигини, қувноқ болалигини акс эттирувчи қўшиқлар юзага келади, деган умиддамиз.

Шаҳримизда кўп ҳарбий қисмлар жойлашганлиги, уларни ҳам бу кўрик-танловга жалб қилдик ва танлов ҳайъати таркибига ҳарбий қисмлардан вакиллар аъзо қилиб киритилдилар. Ҳарбий қисмлар олдига Ватанимизнинг ҳимоясига ва унинг келажаги йўлида мард ва фидойи бўлишга чорлайдиган қўшиқлар яратиш ва уларга куй басталаш, миллий руҳдаги қўшиқлар яратиш вазифаси қўйилди.

Шу кунларда шаҳар корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида кўрик-танловнинг биринчи босқичига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Кўрик-танловни ўтказиш бўйича кўргазмали тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Кўрикка маҳаллалар ҳам жалб этилган, маҳаллаларимизда «Ҳаёт гули», «Истиқлол» фольклор ансамбларимиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Бастакорлар ҳаётини ўрганиш бўйича мусиқавий кечалар ва концертлар уюштириш, она диёр ҳақида энг яхши шеърлар танлови, яккахон қўшиқчи, дуэт, ансамбль, жўровоз чолғучилар гуруҳи, хор жамоаларининг чиқишлари кўзда тутилган.

Бу борада шаҳримиздаги мактабгача тарбия муассасалари ходимлари изланишлари эътиборга лойиқдир. Уларда юртимиз, Ватанимиз ҳақида суҳбатлар, эрталиклар, суратлар кўриклари ўтказилмоқда.

Ўзбек халқининг миллий қадриятларини тиклаш, замонавий санъатимизни ривожлантириш мақсадида 1996 йил бошида шаҳримизда очилиб, ўз иш фаолиятини бошлаган санъат мактаби бунга яққол мисол бўла олади. Санъат мактаби ўқувчилари ҳам кўрикда қатнашиш истагини билдиришди.

Шаҳримиздаги маданият саройларида фаолият кўрсатиб келаётган вокал чолғу ансамбллари учун бу кўрик-танлов бир имтиҳондир. Вокал чолғу ансамбларимизда ижод қилиб келаётган ёш хонандаларимиз кўпдан буён шундай тадбир ўтказилишини истардилар ва айнан мана шу кўрик-танлов бу орзуларининг ушалишидир.

Шу кунларда кўпчилик орасида ўзларининг тиниқ, равон, кишилар кўнглига ором бағишловчи шеър, ғазаллари билан таниш шоирларимиз Мансур Маҳмудов, Рустам Турсунбоев, Ҳамидулла Муродов, Шокир Тўғонов сингари ижодкорларимиз бу кўрикда фаол иштирок этмоқдалар.

Биринчи босқичда кўрик-танлов ғолиблари корхона, ташкилот, муассасалар томонидан пул ва буюм мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Иккинчи босқич — шаҳар миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловда ғолибларни ҳокимлик тақдирлайди.

Қўшиқлар кўрик-танловининг ғолиблари 1996 йилимизнинг бу ажойиб тадбирида ўзларининг ранго-ранг чиқишлари билан барчага манзур бўладилар, деб ўйлаймиз.

Замира ШОМАДИЕВА,
Чирчиқ шаҳар ҳокимининг муовини.

Таҳририятга мактуб

ТАНЛОВДА «МУНОЖОТ» ҲАМ ҚАТНАШАДИ

Ассалому-алайкум, ҳурматли таҳририят!

Биз ушбу мактубни Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғидан йўлламоқдамиз. Мен ўзим асли уруш йилларида фронт орқасида меҳнат қилиб, кейинчалик сирт-дан педагогика олийгоҳини тугатдим ва 40 йилдан ортиқ ўқитувчилик қилдим. Санъатга қизиқаман. Шунинг учун ҳам 1980 йилда туман маданият уйи раҳбарларининг фольклор даста тузиш ҳақидаги таклифига йўқ демадим. Атроф қишлоқлардаги ўзимга ўхшаш иҳлосманд ҳаваскорларни тўплаб, «Муножот» фольклор этнографик дастасини ташкил этдик. Шундан буён ватан ҳақида, эл-юрт, бахт ва садоқат ҳақида қўшиқлар ижро этиб келамиз. Ўтган вақт ичида дастамизда бир қанча янги қўшиқлар ҳам яратилди. Баъзан шеърларни ҳам ўзимиз ёзамиз.

Ҳукуматимизга минг раҳмат, биздек санъат шайдоларига кенг йўл очиб бериб, шундай ажойиб кўрик-танловни ташкил этиб берди. Кўпинча бундай тадбирлар профессионал ижрочилар ўртасида ўтказилгани учун, мамлакат миқёсидаги катта танловлар биздек ҳаваскорлар учун орзу эди. Айниқса, унинг ёши чекланмаган, жанрлар хилма-хиллигига эътибор қаратилган тарзда ўтказилиши ҳаммамизни қувонтирди. Шундай бўлгач, ёшларимиз, умуман, мустақил юртимиз кишилари қалбида ватанга муҳаббат туйғусини шакллантирадиган ажойиб қўшиқлар яратмай ва жўшиб куйламай бўладими?!

Ёшим етмишга бориб қолди. Шундай бўлса-да, ўз дастамни «Ўзбекистон — ватаним маним» танловига олиб чиқмоқчиман. Ҳозир янги қўшиқлар яратиш ҳаракатидамиз. Бизнинг санъатимиз кўрикда қандай баҳоланишидан қатъий назар, шу юртга, шу қишлоғимиз халқига бизнинг дастамиздан янги қўшиқлар эсдалик бўлиб қолади. Эҳтимол, келгусида ёшларимиз бу қўшиқларни биргаликда куйлаб юришар. Умидимиз ҳам шу.

Баҳринисо ПАРДАХЎЖАЕВА,
«Муножот» фольклор-этнографик халқ дастаси раҳбари.

БИЗ ЁРДАМГА ТАЙЁРМИЗ

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг Ватанимиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — ватаним маним» янги қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги қарори ва худди шу асосда вилоят ҳокимининг қарори чиққач, бошқармамизга турли саволлар билан мурожаат қилувчилар кўпайди, телефонлар эса аксарият турли тоифадаги ижодкорларнинг қўнғироқлари билан банд. Мана шунинг ўзиёқ кўрик-танлов халқимиз ўртасида катта қизиқиш билан қутиб олинганидан, шоиру-хонандаларимизга катта ижодий руҳ бағишлаганидан далолатдир.

ГАРЧИ, кўрик-танлов муносабати билан вилоят маданият бошқармасида амалга оширилаётган тадбирлар жойларда ўрганилаётган, керакли йўл-йўриқлар тавсия қилинаётган бўлса-да, танловда иштирок этишни истаган бир қатор ҳаваскорлар танловни ўтказиш тартиби ҳақида сўраб, бизга мурожаат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам бугун ана шу саволларга қисман бўлса-да, жавоб беришга жазм этдик.

Маълумки, вилоятимизда иқтидорли қўшиқчилар талайгина. Ватанни мадҳ этувчи янги оҳанглар яратилиши, янги номлар пайдо бўлиши шаксшубҳасиз, албатта. Лекин танлов шартига кўра, асарнинг шеърий матни ҳам, унинг мусиқаси ҳам, ижроси ҳам ўзига хос ва мукаммал бўлмоғи лозим. Хўш, ижрочиларимиз ана шу мукаммалликка қандай эришишлари ва бирор ёрдамга муҳтожлик сезилганда қаерга мурожаат этишлари мумкин? Чунки, танловда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган таниқли санъаткорлардан тортиб, қўшиқ куйлашга ихлос қўйган оддий ҳаваскорлар ҳам иштирок этадилар-да...

Ана шуни ҳисобга олиб, республика бастакорлар уюшмасининг вилоятимиз ижодкорларига амалий ёрдами ташкил этилди. **Бугунги кунда кўпчиликка таниш бўлган Ҳабибулло Раҳимов, Қаҳрамон Комилов, Баҳрилло Лутфуллаев, Раҳматжон Турсунов, Шоҳида Шоҳимардонова, Ботир Умиджонов, Надим Норхўжаев сингари бастакорлар шаҳар ва туманларда танлов иштирокчилари билан ишни бошлаб юбордилар.**

Кўрик-танлов ғолибларини рағбатлантириш мақсадида вилоят ҳокимлигининг пул мукофотлари таъсис этилган. У «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинди.

Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ҳам кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу ўринда кўпчиликни қизиктираётган масалага, яъни танловнинг ўтиш тартибига тўхталиб ўтсак. **Кўрик-танлов аввало шаҳар ва туманларда саралаш босқичи асосида ўтказилади.** Бизнингча, саралаш босқичини табақаларга бўлиб, мактабгача тарбия, мактаб, олий ва ўрта махсус билим юртлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоа хўжаликларида ўтказиб, ғолибларни туман ёки шаҳар танловига тавсия қилиш маъқулдир. **Кейинги босқич худудий кўрик-танлов ҳисобланиб, унда саралаш босқичи ғолиблари иштирок этадилар.** Худудий босқичда қатнашиш учун саралаш босқичи баённомаси, қўшиқ матни ва нотаси тавсия қилинади. **Худудий босқич ғолиблари эса вилоят кўрик-танловида иштирок этадилар.**

Кўрик-танловнинг жанри чекланмаган. Иштирокчиларнинг ёши, касби ҳам турлича бўлиши мумкин. Танловда қатнашишни хоҳловчиларда ёки жойлардаги махсус ташкилий қўмиталарда аниқлик талаб этиладиган бирор муаммо пайдо бўлса, вилоят маданият бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин. Манзилимизни яна бир бор эслатамиз: **Тошкент шаҳри, Комил Ёрматов кўчаси, 14-уй. Телефонлар: 77-34-67, 45-93-73.**

Фируза АМРИДДИНОВА,
вилоят маданият ишлари бошқармасининг етакчи мутахассиси.

ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЛАМИ КЕНГ

«Экосан» жамғармасининг халқимиз учун самарали бўлган хайрли тадбирлари кун сайин кенгайиб, кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда.

АҲОЛИНИНГ яшаши учун қулай бўлган атроф-муҳит мусаффолиги, жойлардаги экологик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, шаҳар ва қишлоқларнинг ободончилиги, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, ночор оилалар, қаровчисиз болалар ва касалманд инсонларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, табиатни севиб ардоқловчи фидойиларни уюштириб, савобли ишларга жалб этиш, кенг жамоатчилик ўртасида экологик билимларни тарғиб қилиш каби эзгу ишлар фаолиятимизни асосий мазмунини ташкил этади.

Шунингдек, ҳар бир кишини экологик фаол фуқаролар қаторига жалб қилиш мақсадида жамғарма ҳайъати қошида «Экосан»нинг чет эллик ваколатхоналар, халқаро уюшмалар, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, соғлиқни сақлаш, Халқаро банк ва иқтисодий ривожланиш тизимлари, қўшма корхоналар билан алоқаларини кенг йўлга қўйиб, уларни республикамиздаги экологик муаммоларни ҳал қилишга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишлари учун рағбатлантиришга эришмоқдалар.

Орол минтақаси болаларини ҳимоя қилиш ЮНИСЕФ—Экосаннинг биргаликдаги «АСПЕРО» дастури тасдиқланиб, унга 3,5 миллион долларлик тўрт йилга мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Чиқиндиларни қайта ишлайдиган жуда кўп йирик корхона қурилишига технологик ускуналар етказиб берилишини таъминлайдиган лойиҳалар ишлаб чиқилди ва кўплаб элчихона ва қўшма корхоналар томонидан маъқулланган дастурлар юртбошимиз томонидан тасдиқланди.

Экологик соф ва чиқиндисиз ишлайдиган ускуна ва жиҳозларни келтириш йўлга қўйилмоқда. Бунга асосан «Экосан» ходимларининг тўғри йўл танлаб иш олиб борганликлари туфайли эришилди.

Булардан ташқари республикамиз аҳолисининг ижтимоий фаол қатламларини ўз сафларига бирлаштирган уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси, хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар, адабиёт ва санъат уюшмалари, диний идоралар, касаба уюшмалари каби ўнлаб жамоат ташкилотларида «Экосан» дастури билан ҳамкорлик қилувчи уюшмалар тузилганки, уларнинг фаолияти, айтиш мумкинки, кўпгина мутасадди ташкилотлари олиб бораётган иш фаолиятидан кўра самарали бўлмоқда. Жумладан, фахрийлар уюшмаси жонкуяри, таниқли адиб Иброҳим Раҳим ташаббуси билан Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғи ва бошқа жойларда ўтказилган амалий ишлар туфайли юқоридаги худудлар қисқа давр ичида жуда ҳам обод ва кўркам, ҳамма ҳавас қилгудек файзли жойларга айланди. Намунали даражага эришган мазкур жамоаларга «Экосан» ўз совғаларини топширди.

Аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи ҳам жамғарма фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади. Зангиота тумани Назарбек қишлоғи ҳудудида жойлашган темирйўл шифохонасидаги шифобахш маъданли сувнинг таърифи маълум ва машҳур. Лекин ушбу шифобахш табиат неъматидан ўринли фойдаланмасдан исроф бўлиб оқиб ётар эди. Яқинда жамғармамиз билан мазкур шифохона ўртасида ҳамкорлик шартномаси асосида сувни қадоқлаб, кенг истеъмолчиларга етказиб беришни йўлга қўйдик. Ҳозирча бир кунда 5—6 минг шиша идишга «Экосан» шифобахш суви қуйилиб, эҳтиёжмандларга арзон баҳоларда сотилмоқда. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, бу сув кенг тарқалган ошқозон-ичак, юрак-томир, асаб ва бошқа турли хил замонамизга хос хасталикларни даволашда ижобий натижалар беради.

Бу хайрли ишларимизни янада кенгайтириб, келгусида шу жойларнинг ўзида Жанубий Кореянинг «Куйко» фирмаси билан қўшма сувни идишларга қуйиш корхонасини барпо этиш ҳақида битимлар имзоланди.

Юртимизнинг бебаҳо бойликлари бўлмиш тоғли худудларда беҳуда исроф бўлаётган зилол булоқ сувларини ҳам идишларда аҳолига етказиб беришни, инсон учун зарур бўлган саломатликни таъминлайдиган экологик тоза ичимлик сувга, табиий ҳолда ўсадиган шифобахш гиёҳларга бўлган талабларни қондиришга ҳаракат қиламиз. Жойларда «Экосан» дорихоналари, экологик соф ўғит-биогумус етиштирувчи ишлаб чиқариш тармоқлари ишлаб турибди.

Ҳозирги кунда «Экосан» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг жойлардаги 6 та шаҳар, 11 та туман бўлимлари, корхона ва жамоалардаги мингга яқин бошланғич ташкилотлари ўз сафларига 250 мингдан ортиқ табиат жонкуярларини бирлаштирган. Уларнинг кундалик серташвиш фаолиятлари вилоятимизнинг ободончилиги, атроф муҳитнинг мусаффолиги, сувларимизнинг тоза ва она заминимизнинг кўркам, файзли бўлишига ёрдам бермоқда.

Абдумутал АБДУҲОЛИҚОВ,
Вилоят «Экосан» жамғармаси директори.

КОРЕЙС ЖАМИЯТИГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ ТОПШИРИЛДИ

Тошкент шаҳридаги «Тикланиш» корейс жамияти ташкил этилганининг уч йиллиги арафасида Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Шу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Со Кон фахрий ёрлиқни топшираётиб бундай деди:

— Мен Ўзбекистондаги корейс тилини, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини тиклаш билан шуғулланаётган барча жамоат ташкилотларининг фаолияти билан танишман. Тошкент шаҳар «Тикланиш» жамиятининг иши Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшишга интилаётгани билан менга мақбул бўлмоқда.

Элчи миллий маданиятни қайта тиклаш, ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун жамият ҳали кўп иш қила олишига ишонч билдирди.

(ЎзА).

ПАХТА ВА ҒАЛЛА ҲОСИЛДОРЛИГИ: БИОЛОГИК ОМИЛ

Президент Ислом Каримов яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда пахта ва ғалла етиштириш, айниқса, бу соҳада ҳосилдорликни ошириш борасидаги ишлар кўнгилдагидек бўлмаётгани ҳақида куйиниб гапирди. Бу борадаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда жаҳондаги илмий тажрибалар натижаларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришиши, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришда биологик воситалардан фойдаланиш замон талабидир. Олимларимиз кўпдан буён ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга заминимизга, атроф-муҳитга, экинлар генетикасига салбий таъсир этмайдиган биологик стимуляторларни яратиш борасида чуқур изланишлар олиб боряптилар. Жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида бундай стимуляторлар анчадан буён кенг қўлланиб келинмоқда. Жумладан, Корея Халқ Демократик Республикасида «Пуннен» («Серҳосил йил») деб номланган биостимуляторлардан қарийб 15 йилдан буён фойдаланилмоқда.

Икки йил муқаддам «Пуннен» стимуляторини мамлакатимиз тажриба экин майдонларида синовдан ўтказишга киришилган эди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси тармоқлараро ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий моддаларини рўйхатга олиш комиссияси ўтказилган тажрибалар хулосаларидан келиб чиқиб, «Пуннен» биостимуляторини республикамизда кенг қўллашга рухсат берди.

ЎзА мухбири биология фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, ЎзФА Кимё институти лаборатория мудири Анвар Умаров, ЎзФА Генетика институти лаборатория мудири Сергей Монаков, биология фанлари номзоди, Кимё институти катта илмий ходими Аҳмаджон Қориев ва КХДРнинг «Унхасу» фирмаси президенти У Жунг Ким билан биологик стимуляторни қўллаш, унинг экинлар ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари ҳақида суҳбатлашди.

— Аввало Ўзбекистонда «Пуннен» препарати қўллаш тажрибаси қандай натижа бергани ҳақида сўзлашсак...

А. УМАРОВ: — Жаҳон тажрибаси тарихига назар ташласак, биостимуляторлар илк бор Германия ва Америка Қўшма Штатларида гулларни парваришлаш мақсадида қўлланганига амин бўламиз. Бироқ, кейинчалик улар мева ва сабзавот етиштиришда ҳам қўллана бошланди. Стимуляторларни қишлоқ хўжалиги экинларига қўллашдан муддао уруғнинг униб чиқишини, ривожини тезлатиш, касалликлардан ҳимоялаш, ҳосилдорликни оширишдан иборат. Ана шу мақсадда бизда рослин, тетранил, розалин каби препаратлар ишлаб чиқилган. Аммо, улар айрим қусурларга эга бўлгани сабабли кенг қўлланишга рухсат этилмаган. Шу боис, шимолий кореялик ҳамкорларимиз «Пуннен» препаратини тавсия этишда унинг табиий моддалардан ташкил топгани ва мутлақо безарарлигига кафолот беришларига қарамай, стимуляторни ҳар томонлама текшириш Ўзбекистон кимё комиссиясига топширилди.

Стимуляторнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларидаги таъсирини билиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кўрсатмасига биноан «Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Андижон вилояти, Асака туманидаги тажриба участкасида, Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги «Гулзоробод», шунингдек, Янгийўл туманидаги «Ниёзбоши», ҳамда Юқоричирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжаликлари пахта майдонларида синаб кўрилди.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, стимулятор ғўзаларнинг униб чиқиши ва ўсишини тезлатди, унинг ҳосилдорлигини оширди. Масалан, «Политотдел» колхозида 12 гектар пахта майдонига «Пуннен» қўлланилиши ғўзалар ўсишини 14-16,3 фоизга тезлаштирди. Барглларнинг фотосинтетик фаоллиги ошиши ҳисобига ўсиш, ғўзалар ривожи тезлашди, ундаги ғунчаларнинг тўкилиши камайди. Вегитация даври ниҳоясида тажриба ўтказилаётган ғўзаларда одатдагиларга нисбатан бир яримиккита кўсак ортиклиги намоён бўлди. Пахта майдонларига ғўза гуллаши олдидан препаратнинг кучсиз аралашмасини пуркаш ҳам яхши натижа берди. Шундай қилиб, «Пуннен» қўлланган майдонларда одатдагидан 4,6 центнергача кўп ҳосил олинди.

Тажриба майдонларида

— «Пуннен» ғўзаларнинг касалликларга чидамлилигини оширишда ҳам ёрдам берадими?

А. КОРИЕВ: — Дарҳақиқат, тажрибалар шуни кўрсатдики, «Пуннен» стимулятори ғўзаларнинг касалликка чидамлилигини кескин оширди. Масалан, Асакадаги тажриба участкасида ғўза икки-учта ҳақиқий барг чиқарган паллада шира тушиб, барглари тўкилиб кетди. Бироқ, орадан кўп ўтмай, ғўза стимулятор таъсирида янги барглар чиқариб, гуркираб ривожланди. Шундай касалликка чалинган одатдаги пахта майдонига нисбатан ҳосилдорлик гектардан қарийб 6-8 центнергача кўп ҳосил олишга эришилди.

С. МОНАКОВ: — Мен илк бор пахта ҳосилдорлигини барқарор оширадиган препаратга эга бўлганимизни, у экологик жиҳатдан тозалари, шу билан бирга, уруғлик чигитга ҳам мутлақо салбий таъсир этмаслигини қайд этишни истардим. «Пуннен»нинг таркибига эътибор қилсангиз, у турли витаминлар ва фитогормонлардан ташкил топганини кузатиш мумкин. Шу боис турли тупроқ ва об-ҳаво шароитида чигитнинг турли навлари қўлланган тақдирда ҳам, «Пуннен» ҳосилдорликни барқарор оширди. Шу ўринда препаратнинг ҳосилни эрта пишишига кўмаклашишини таъкидлаш жоиз. Чунки дастлабки теримнинг ўзидаёқ ҳосилнинг қарийб 70-80 фоизи териб олиниши унинг асосий қисми олий ва биринчи навларга қабул қилиниши демакдир. Стимулятор қўлланганда етиштирилган ҳосилнинг тўкилиши 9 фоизгача камайгани кузатилгани ҳам ғоят муҳимдир.

Биостимуляторнинг қўлланиш кўлами ғоят кенг. Уни ғалла, шоли, сабзавот, шунингдек, чорва учун озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишда ҳам ишлатиш мумкин. Айни пайтда республикамизда 250 гектар майдондаги ғаллазорда «Пуннен» стимулятори синаб кўрилмоқда.

— «Пуннен» Шимолий Кореяда анча вақтдан буён кенг қўлланаётганидан воқифмиз. Жаноб У Жунг, айтингчи, фирмангиз препаратни қайси мамлакатларга экспорт қилади? Агар сир бўлмаса экспорт ҳажмини ҳам айтсангиз.

У. КИМ: — Ҳа, «Пуннен» КХДРда шоли етиштириш ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда кўп йиллардан буён муваффақият билан қўлланиб келмоқда. Биз уни Покистон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, қисман Японияга экспорт қиламиз. Рости, экспорт ҳажми унча катта эмас.

Биз препаратимиз Ўзбекистонда муваффақиятли синовдан ўтганидан мамнунмиз. Уни синаш учун шарт-шароит яратган Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдиришни истардим. Биз ўз препаратимиз билан Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга ҳисса қўшишдан мамнунмиз. Бу иқтисодий алоқалар мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашади. Айни пайтда биз Ўзбекистонга 50 тонна «Пуннен» стимуляторини келтирганмиз. Ўзбекистондаги пахтакор хўжаликлар биздан уни сотиб олиш имкониятига эгалар. Биостимуляторга сарфланган харажат тезда қопланишидан ташқари, бир неча баробар соф фойда ҳам олинади.

— Стимуляторлар шу қадар фойдали экан, нега у кенг қўлланилмаяпти? Ўзбекистонда у деҳқонларнинг меҳрини қозона оладими?

А. УМАРОВ: — Стимуляторлар ва биологик моддаларга азалдан эҳтиёткорлик билан ёндашиш одат тусига кирган. Улардан дастлаб бизда қаламчалардан кўчат ундиришда фойдаланилган эди. Кейинроқ мевалар, жумладан, узумчиликда муваффақият билан қўлланди. Гап шундаки, препаратнинг афзаллигига амин бўлиш учун маълум вақт талаб этилади. Бизда эса дарров натижа кўрсатадиган нарсаларга ишонч зўр. Мана, кимёвий ўғитларни олинг. Уларнинг афзаллиги маълум бўлгани учун бундай ўғитларнинг бозори чаққон. Келажак биостимуляторларники экани кун сайин кўпчиликка равшан бўлиб боряпти. «Пуннен» қўлланган хўжаликлар ва унинг натижаларидан хабардор хўжаликлар раҳбарлари ҳозирданоқ уни сўраб келишмоқда. Бу препарат мамлакатимизда кенг қўлланилишига ишонаман.

— Деҳқонлар, пахтакор хўжаликлар раҳбарлари «Пуннен»ни сотиб олди ҳам дейлик. Уни қўллашда маълум илмий меъёрларга риоя қилиш лозим бўлса керак?

А. ҚОРИЕВ: — Албатта. Стимуляторни қўллашда маълум меъёрларга амал қилиш лозим бўлади. Масалан, 1 тонна уруғ 600 миллилитр эритмада ивитилиши, у 12-14 соатдан сўнг майдонларга экилиши тавсия этилади. Шунинг учун биз тегишли тавсиялар ишлаб чиққанмиз. Улар агросервис орқали препаратни қўллаётган хўжаликларга керакли миқдорда етказиб берилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, пахта майдонлари камайтирилаётган, унинг ўрнига бошқа экинлар экилаётган пайтда «Пуннен»ни қўллаш ёрдамида ҳосилдорликни ошириш хўжаликларга, мамлакатимизга катта фойда келтиради. Вақти келиб ўзбек олимлари ҳам «Пуннен»дан қолишмайдиган стимуляторлар яратиши аниқ. Ҳозирча, эса бу препаратдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Амирқул КАРИМ суҳбатлашди.

ҲАР ОЙДА ЮЗ МИНГ ЖУФТ

Тўйтепадаги «АНА текстиль КО ЛТД» қўшма корхонаси пахта калавасидан эркаклар пайпоғини ишлаб чиқара бошлади. Ҳар ойда 100 минг жуфт шундай маҳсулот савдо тармоқларига етказиб берилади.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) тўқувчилар Нилуфар Маҳаматова, Малика Мамадалиева ва Наталья Тен тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

С. ЗУФАРОВ олган сурат. (ЎзА).

ЖОНДАН КЕЧМАСАНГ...

Бўка туманидаги «Қашқадарё» жамоа хўжалигини қандай қилиб қисқа вақт ичида қолоқликдан олиб чиқдилар?

ОДАМЛАР бир-бирлари билан учрашиб, дийдорлашганларида биринчи навбатда кайфиятлар қалай, деб бежиз айтишмайди.

Дарвоқе, кайфиятнинг яхши-ёмон бўлиши инсонларнинг турмуш тарзини, демакки, ейиши, ичиши, кийиниши, тирикчилиги қай даражада бўлишини белгилайди. Тирикчилиги яхши бўлган одамнинг соғлиғи, кайфияти ҳам чоғ, иши унумли бўлади. Афсуски, ҳамма бу оддий ҳақиқатга эътибор беравермайди. Таг-замини ҳақида ўйлаб кўрмайди. Асли касби иқтисодчи, узоқ йил тумандаги жамоа хўжаликларидан бирида бухгалтер,сўнгра бош бухгалтер бўлиб ишлаган, охирги пайтда эса туман деҳқончилик уюшмасида бош бухгалтерлик вазифасини бажараётган Норбой ака Норматовга сизни «Қашқадарё» жамоа хўжалигига раисликка тавсия этмоқчимиз, дейишганда дафъатан унинг хаёлидан юқоридаги фикрлар кечиб, ўз истиҳоласини айтди.

Лекин туманнинг бош раҳбари Норбой аканинг бу фикрига қўшилмади. Қўплашиб Норбой акани кўндиришди.

Жамоа хўжалиги аъзолари ҳам ишонқирамай қабул қилишди. Чунки бу хўжалик 1991 йилда йирик бир хўжаликдан ажралиб чиққан, асосий хизмат кўрсатувчи тармоқлар ўша ерда қолган, бу хўжаликда эса жамоа аъзоларининг кунига ярайдиган бironта ҳам дуруст хизмат кўрсатиш тармоқлари йўқ эди. Ўтган тўрт йил давомида тўрт марта раис ўзгарди. Лекин уларнинг бironтасидан дуруст бир из қолмади. Ҳар бири ҳам ишга тайинлангач, астойдил меҳнатга бел боғлаган бўлади, «ўзгариш»лар қилади, ваъдалар беради. Лекин барибир «ҳеч нарса чиқмайди». Оқибат шу бўлдики, шу тўрт йил давомида бирон марта ҳам пахта режаси бажарилмади, бошқа соҳаларни-ку қўяверинг. Одамларнинг ҳафсаласи пир бўлди, улар тумтарақли ваъдаларга ишонмай қўйдилар. Турмуш тарзи шу аснода оғирлашди.

Ана шундай қалтис пайтда Норбой ака раис бўлиб келган эди. У кўп ўйлади. Нима қилиш керак? Албатта, ишни одамларнинг руҳини, кайфиятини кўтаришдан бошлаш керак, деган қарорга келди. Лекин бу қарори шунчалик гап бўлиб қолмаслиги керак. Унда одамлар менга ишонишмай қўяди, ёшим бир жойга бориб қолган пайтда шарманда бўлиб қолишдан оғир жазо йўқ-ку!

У иқтисодчи, бухгалтер сифатида вилоятдаги кўпгина корхона, ташкилотлар билан мулоқотда бўлиб, қаердан, нима эвазига, қандай қилиб одамларнинг моддий таъминотини яхшилайдиган маҳсулотларни ундиришни биларди. Тинмади... Баҳор бошланиши билан 50 гектар ерга масхар экини эктирди. Индинигаёқ дарҳол ёғ-мой комбинатига борди. Масхар экиб қўйилганлигини, хом ашёсини олиб келиб топширишини, шу эвазига озроқ «маҳсулотдан қарз» бериб туришни илтимос қилди ва шартнома тузишди. Ана шундан сўнг комбинат хўжаликка 10 тонна маргарин берди. Сўнг раис Оҳангарон ун комбинати раҳбарлари билан «тил» топишди, режадан ортиб қоладиган 200 тонна буғдойни келтириб бериш юзасидан ўзаро шартнома тузди. Комбинат раҳбарлари хамир учидан патир, деб 20 тонна ун беришди. Раис бу маҳсулотларни олиб келиб, ҳар бир хонадоннинг жон бошини ҳисобга олиб, баҳоли қудрат уларга тақсимлаб берди. Бундан ташқари, Янгийўл консерва заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан ҳам олиб келди, тумандаги айрим дўконлар, савдо тармоқлари билан гаплашиб, чой, конфет, ширинликларга алмаштирди ва бу маҳсулотларни ҳам жамоа аҳлига тақсимлаб берди. Шу аснода бошқа бир қанча ишлар ҳам қилинди.

Раис ўйларди. Асосий экинимиз пахта, лекин нафсиламбирини айтганда, уни «еб-ичиб» бўлмайди. Токи ундан келадиган ҳақ олингунича экилган буғдойлар пишиб етилиб, тегирмонга тушиб, ун бўлгунга қадар одамлар нима билан тирикчилик қилиши керак. Шунинг учун ҳам у деҳқонлар билан суҳбатлашар экан, майли озроқ ерларингизга ерёнғоқ, помидор ва бошқа сабзавот экинлари экинглар, ўз эҳтиёжларингиздан ортганини сотиб тирикчилик ҳам қилишларингиз мумкин, деди. Шундай қилиб, ишлар юришиб кетди, қишлоқдаги жамики меҳнатга қобилиятли одам далага отланди, ҳамма бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қила бошлади. Раис кўпинча деҳқонлар ҳузурида бўлиб, уларнинг эҳтиёжини, талабларини ўрганиб, иложи борича бу талабларни қондиришга ҳаракат қилди. Экиш-тикиш, парвариш ишлари вақтида, маромида ўтказилди. 435 гектар майдонга экилган пахтанинг ҳар гектаридан 26,4 центнердан ҳосил олинди. Бу 1994 йилдагига нисбатан гектар ҳисобига олти центнер кўп эди. Агар 1994

Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?

йилда ҳар гектар буғдойдан аранг 14 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили 240 гектар ерга экилган буғдойнинг ҳар гектаридан 36 центнердан хирмон кўтарилди. Айрим бригадалар жуда ҳам юқори ҳосил олдилар. Эргаш Файзиев жамоаси 50 центнердан, Ориф Ҳосиятов жамоаси 39 центнердан, Ўктам Миролов 40 центнердан, Бекмурод Норов 48 центнердан, Эркин Жабборов 46 центнердан дон топширди. Даромад ҳам хирмонга яраша бўлди.

Норбой ака 1995 йилнинг 15 февралида раис бўлиб келган эди. Қарангки, ҳали бир йил бўлмасданоқ хўжалик ўзининг қаддини ростлаб олди: агар 1994 йил 1 миллион 133 минг сўм зарар билан якунланган бўлса, 1995 йилда жами тармоқлардан 19 миллион сўм, пахтанинг ўзидан 11 миллион сўм даромад қилинди. Соф фойда 2 миллион 200 минг сўмни ташкил этди.

— Режадаги 40 фоиз ва режадан ташқари олинган ҳосил ҳисобидан ҳозир нақд 150 тонна толага эга бўлиб турибмиз. Шу ҳисобга катта даромад кўришимиз мумкин, — дейди раис. — Энди ободончилик ишларига ҳам қараш мумкин бўлади. Тўхтаб қолган қурилишлар давом эттирилмоқда. Янгидан 2 та чойхона қурилди. Хуллас, келгусида ишларимиз, моддий таъминот янада яхши бўлиши кутилади. 23 тонна мой, 90 тонна шелуха, 70 тонна кунжара ҳам оламиз.

Биз мақола бошида масхар экинидан ҳали ҳосил олинмай туриб, у жамоа аъзоларининг жонига оро кирганлигини айтгандик. Ҳали деҳқончиликда росмана расм бўлмай турган бу экин турган-битгани фойдали, истиқболли экан, дейишмоқда деҳқонлар. Ўша экилган 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15 центнердан ҳосил олиниб, бу хом ашё келишилганидек, ёғ-мой комбинатига топширилди ва унинг ҳисобига яна 36 тонна маргарин олиб келиниб, 700 минг сўм даромад қилинди. Раиснинг ҳам, деҳқонларнинг ҳам айтишларига қараганда бу экинни экиш ва парвариш қилиш агротехникаси жуда жўн экан. Экилгач, бир марта сув бериб қўйсангиз бўлгани, айниқса, масхар экинини сув чиқиши қийин бўлган ерларга экиш катта фойда келтиради. Ахир, бор-ку, бизда шундай майдонлар! У ерларга пахта экилиб, аранг 10—12 центнердан ҳосил олгандан кўра... Бу экиннинг яна бир афзаллик томони шуки, ундан олинадиган мойга чигит ёғи сингари ишлов бериб истеъмол қилиниши шарт эмас. Шундайлигича истеъмол қиларерасиз. Мослашган корхона ва заводларда бу экин ҳосилидан 40 фоизгача мой олинади. Хўжалик ўзининг эҳтиёжини қондириш учун чоғроқ цех қуриб олишга ҳам киришди.

Биз раис билан чорвачилик соҳасидаги ишлар ҳақида суҳбатлашдик. Хўжаликда чорвачилик фермаси ҳиссадорлик уюшмасига айлантирилганлигини, лекин, ҳозирча бу уюшмада ишлар яхши эмаслигини, соғин сигирлардан жуда кам сут соғиб олинаётганлигини айтдик.

— Ҳозиргача бу уюшмага берган қарзимиз, — деди раис, — бир миллиондан ортиб кетди. Ахир бу пуллар кўпчиликнинг ҳаки-ку! Лекин яқин ўртада бу қарзни узишларига кўзимиз етмайди. У ҳолда қуйиб қолаверамизми? Шунинг учун ёрдамни ҳам, қарзни ҳам астойдил ишлаб, келгусида уни узишга қодир бўладиган одамларга бериш керакка ўхшайди. Улар ишни эплай олмаётган бўлишса, очиғини айтишсин, биз фермани қайтиб олиб, кимошди савдосига қўйиб, ҳақиқий эгаларига, ишбилармонларга сотамиз. Харидорлари ҳам йўқ эмас.

Раис билан яна бошқа кўп масалалар ҳақида гаплашдик.

— Норбой ака, — дедим мен, — мана, бир йилнинг ўзидаёқ хўжаликни қолоқликдан олиб чиқибсизлар ҳисоб. Сиз раис сифатида ўз ишингиздан қаноат ҳосил қилгандирсиз, албатта.

— Мақтанянги, дейишмасин тағин, номус жуда кучлилик қилди. Елдим, югурдим. Оромимдан кечишга тўғри келди. Жамоа аъзоларига, тажрибакор деҳқонларга, фахрийларга раҳмат. Улар мени қўллаб-қувватлашди. Шу туфайли бўлса керак, озми-кўпми ютуқларга эришдик.

Лекин ҳали ҳам деҳқон ўзини ерининг ҳақиқий хўжайиниман, деб ҳис этмаяпти чоғи. Шунинг учун ишни ташкил қилишнинг янгича усулига ўтишга қарор қилдик. Шу мақсадда мен Ўртачирчиқ туманига бориб «Роватак» деҳқон-фермерлар уюшмаси тажрибасини ўрганиб келдим ва бу тажрибани ўзимизнинг шароитимизга мослаб жорий этишга киришдик. Ташкилий ишлар ниҳоясига етди ҳисоби. Ўтган йилги 26 та бригадалар ўрнида 11 та деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилди.

— Эсингизда бўлса, — деди Норбой ака. — Самарқандда бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз сўзга чиқиб на ҳосил беришининг, на режа бажарилишининг тайини йўқ, банкда ҳисоб очволиб, фермерман деб кўкрагига урриб юрганлар борлигини айтиб танқид қилган эдилар.

Биз уюшмани ташкил этганда ана шу фикрдан келиб чиқиб, ишни бошқачароқ йўлга қўйишга аҳд қилдик. Ҳисоб-китоб ишлари бутунлай янгича бўлади. Ҳар бир деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари ўз аъзолари билан қанча гектар ерга экин экканлиги, қанча ҳосил олиши ва бу ҳосил қандай тасарруф қилиниши ҳақида шартнома тузади. Ҳисоб-китобни ҳам алоҳида олиб боради ва бу ҳақдаги маълумотларни марказий бухгалтерияга бериб туради. Шу тариқа барча фермер хўжаликларининг даромади, буромади, кирими-чиқими умумлаштирилади. Ўйлайманки, бу усулда иш юритганимизда ернинг қадр-қиммати ортади, деҳқон ҳар бир қарич ердан мумкин қадар юқори ҳосил олишга ҳаракат қилади. Чунки ерлар чек ташланиб, деҳқонларга бир-икки йилга эмас, узоқ муддатга бериб қўйилади. Лекин алмашлаб экиш мақсадида экинлар тури алмаштириб турилади, албатта.

Умидлари рўёбга чиқиб, турмушлари яхшиланиб бораётганидан руҳланган деҳқонлар янги йилни кўтаринки руҳ билан бошладилар. 280 гектар ерга экилган буғдойнинг ҳар гектаридан 45—50 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқдалар. Пахта ҳосилдорлиги эса 30 центнердан кам бўлмайди, дейишяпти, миришкорлар.

Ўтган йилги иш якунлари таҳлили билан бўлиб ўтган умумий йиғилишда ана шунга келишиб олдилар. Хўжаликнинг номини ҳам ўзгартиришга, бундан буён Амир Темур номли деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси, деб юритишга қарор қилдилар. Буни мутасаддилар албатта, қўллаб-қувватлайдилар.

Мен хўжаликдан ана шундай яхши таассуротлар билан қайтгач, ҳокимиятда бўлдим. Ўз таассуротларимни ҳокимнинг биринчи ўринбосари Абдусамад ака Носировга айтиб бердим.

— Ана шунақа, биродар, — дедилар мамнун қиёфада. — Мана, ўзингиз ҳам гувоҳ бўлибсиз. Ҳеч шубҳасиз, у ёки бу хўжаликнинг ривожи, одамларнинг тақдирида раҳбар шахснинг хизмати беқиёсдир.

Абдусамад ака бу фикрни бежиз эсламаётган эди. У бундан буён ҳам биз ишимизда, фаолиятимизда бу масалага, кадрларни танлаш ва тайинлаш соҳасидаги ишларимизга алоҳида эътибор берамиз. Танқидий нуқтаи назардан қараб борамиз. Лекин сир эмас, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида раҳбар бўлиб ишлаш осон эмас. Буни ҳамма яхши билади. Каттами-кичикми, ҳар бир жамоага шу қийинчиликларни билатуриб, уни ўз гарданига оладиган, жонидан, хузур-ҳаловатидан кечиб ишлайдиган одамларнинг раҳбар бўлиб ишлашларига эришишимиз шарт, демоқчи эдилар.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЭНДИ ШАРТНОМА АСОСИДА ИШЛАШАДИ

ТАДБИРКОРЛИК бор жойда — ривож бор, барака бор. Буни Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хўжаликда меҳнатни ташкил этишнинг илгор усуллари дадил қўлланиб келинмоқда. Бу усуллар эса жамоа аъзоларининг манфаатдорлигини ошираётир. Шунинг учун ҳам белгиланган тадбирлар ўз вақтида ва бекамукўст амалга оширилмоқда.

Ўтган йили ҳам жамоа аъзолари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Пахта топшириш режасини анча ошириб бажардилар. Ҳосилдорлик икки-уч центнерга кўпайди. Ғалладан ҳам баракали хирмон кўтарилди.

— Янги йилда биз — деҳқонларга яна бир қулайлик яратилди, — дейди жамоа хўжалиги раиси Турғун ака Орипов. — Ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ эндиликда режадаги пахта ҳосилининг 40 фоизи қолдириладиган бўлди. Бу катта имконият. Бу имкониятдан фойдаланиш учун ҳозирдан заминни пухта олиш керак. Шу мақсадда ишни ташкил этишнинг янгича усулига ўтишга қарор қилдик. Хўжалигимиз деҳқон-фермер уюшмасига айлантирилди. Туманимизда бу усулда ишлаётган ва яхши натижаларга эришаётган хўжаликлар кўп.

Бу усулда ишлаганда ҳар бир хўжалик аъзосига унинг қобилиятига қараб иккиуч гектардан пахта ёки тўрт-беш гектар ғалла, икки-уч гектар шоли, беш-олти гектардан боғ майдонлари биркитиб қўйилади. Улар ўзлари мустақил равишда меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилни шартнома бўйича хўжаликка топширадилар. Уларнинг оладиган даромад ва кўрадиган манфаатлари топширадиган маҳсулотининг миқдори-ю сифатига боғлиқ бўлиб қолади.

Шундай қилиб, 1996 йилда хўжалик бўйича 2500 тонна пахта, 2524 тонна дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Жамоа хўжалиги маъмурияти таъминотчи вазифасини ўтайди.

Ҳозирги кунда деҳқонлар янги мавсумга қизғин тайёргарликни бошлаб юборишдилар. Техника таъмирланиб, тахт қилиб қўйилмоқда. Бошқа дала ишлари ҳам авжида. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу масалалар тўғрисида атрофлича гаплашиб олинди.

СУРАТДА: ўтган йил якунларидан анча мамнун бўлган ва бу йил янги марраларни кўзлаб пишиқ-пухта режалар белгилаб олган деҳқонлар мажлисдан сўнг қизғин суҳбатлашмоқдалар.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Чорва қишлови қандай ўтмоқда?

БЕШ ҚЎЛ БАРАВАР ЭМАС...

Тошкент туманидаги айрим хўжаликларда чорвачиликка бўлган эътибор талабга жавоб бермаяпти

Тошкент тумани захматкашлари 1995 йилни барча соҳаларда юксалишга эришиш билан якунладилар. Сабзавот, мева етиштириш режалари ортиги билан уддаланди. Айниқса, соҳибкорлар ютуғи таҳсинга лойиқдир. Узум етиштириш режаси кутилганидан ҳам зиёда бажарилди. Чорвадорлар ҳам гўшт ва сут етиштириш, давлатга сотиш, бузоқ олишда кўзда тутилган режаларни ортиги билан бажардилар.

Кўрсаткичлар анча юқори бўлмоқда. Қишлов чорвадорлар учун синов эканлиги «икки карра икки»дек ҳаммага аён. Бу мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Жумладан, 15 минг 540 тонна силос, 6430 тонна хашак, 6400 тонна сенаж, 4567 тонна лавлаги жамғарилди. Бу озуқани исроф қилмай, режа билан сарфланса қишловдан эсон-омон, талафотсиз чиқишга шубҳа йўқ.

Айниқса, М. Фозилов ва Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжаликларининг чорвадорлари бу йил барча хўжаликларга ибрат бўлишмоқда. Бу иккала хўжаликда ҳам чорвага ўз ишини пухта биладиган, малакали мутахассислар масъул. Айниқса, М. Фозилов номли жамоа хўжалиги фермасида Собиржон Шокировдек фидойи мутахассиснинг борлиги хўжаликка кейинги беш-олти йил ичида пешқадамликни сақлаш имконини бермоқда.

Хўжалик чорвадорлари 1994 йилда ҳар бош соғин сигирдан 4010 килограммдан сут соғиб олишган эди. 1995 йилги кўрсаткич 4350 килограммдан ошиб кетди. Бу натижа нафақат туманда, балки, республикамизда энг юқори кўрсаткичлардан бўлса ажаб эмас.

Бунга сабаб нима? Энг аввало чорвага меҳр, насадорлик ва сифатли озиқлантириш.

М. Фозилов, Ҳасанбой, Ғ. Абдуллаев, Навоий ва С. Раҳимов номли жамоа хўжаликларининг қишловдан муваффақиятли ўтишларига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Лекин «Тошкент», Тулабий номли хўжаликлар ва «Ўзбекистон» корпорацияси тўғрисида бундай фикр билдириш мушкул.

Қишловни муваффақиятли ўтказиш учун эса аввало озуқа етарли бўлиши керак. Молларга озуқани майдалаб, омухта қилиб, қайта ишланган ҳолда бериш, илитилган сув билан тўлиқ таъминлаш, чорвадорларга яхши шароит яратиш, техникани моҳирона ишлатиш, моллларни урчитишга, наслчилик ишларини йил бўйи олиб бориш, ёш бузоқларни боқишга алоҳида эътибор бериш муҳимдир. Юқорида айтганимиздек иш пухта ташкил этилган хўжаликларда бу мақсадга эришилмоқда.

Бугунги кунда туманда чорвачилик билан шуғулланаётган деҳқон-фермер (чорвадор) хўжаликлари ҳам гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришга, тармоқни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозирги пайтда туманда бундай хўжаликлар сони эллиқдан ошиб кетди. Уларга 331 гектар ер ажратиб берилган бўлиб, 743 бош қорамол, 350 бош қўй, 144 бош йилқи боқилмоқда. Фермер хўжаликлари давлатга 100 тонна гўшт, 234 тонна сут сотишди.

Собир Раҳимов, Ғ. Умаров, Ғ. Абдуллаев, Навоий номли, Ҳасанбой номли жамоа хўжаликларида деҳқон-фермер хўжаликлари ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Лекин шу билан бирга айрим жойларда фермерлар ердан унумли фойдалана олмаяптилар. Умрини бекор ўтказмоқдалар. Бу «мана-ман», деб турган бойликни оёқ ости қилиш, билатуриб уни совуришнинг ўзгинаси эмасми?

Ўйлаймизки, ўтган йил якунлари таҳлил этилаётган ҳозирги дамларда ишни яхши дўндира олмаётган фермерлар йўл қўйган хато ва камчиликларидан тўғри хулоса чиқариб, илгорларга эргашиб, уларга тенглашиш учун ўз фаолиятларини янгича ташкил этадилар, ишда жиддий ўзгариш ясайдилар. Ана шунда туманнинг умумий халқ бойлигини кўпайтиришга қўшадиган ҳиссаси яна ҳам баракали ва салмоқли бўлади.

Ҳ. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Очиқ турдаги «Саноаткартонсавдо» ҳиссадорлик жамияти чекланмаган миқдорда макулатура қабул қилади. Макулатуранинг ҳар бир тоннасини 6500 сўмдан сотиб олади, унинг ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади. Айни вақтда гофратарага, ўраш қоғозига, муқова картонига, силикат елимига бартер қилиш мумкин. Аҳолидан олинадиган макулатура кундалик рўзғор учун керак бўладиган қуйидаги товарларга алмаштирилади:

1. Пахта ёғи	1 шиша	– 11 кг. макулатура	12. Хинали шампун	1 шиша	– 10 кг. – » –
2. Кир совун	1 бўлак	– 3 кг. – » –	13. «Лада» шампуни	1 шиша	– 7 кг. – » –
3. СМС – 1000 пастаси	1 кг.	– 15 кг. – » –	14. «Лола» мойупа	1 банка	– 3 кг. – » –
4. У – 1000 пастаси	1 кг.	– 8кг. – » –	15. «Локон»	1 шиша	– 12 кг. – » –
5. Вино	1 шиша	– 7 кг. – » –	16. Пойабзал учун мой	1 банка	– 3 кг. – » –
6. Ароқ	1 шиша	– 20кг. – » –	17. Қўл учун мойупа	1 банка	– 2 кг. – » –
7. Коньяк	1 шиша	– 22 кг. – » –	18. «Мўмиё» мойупаси	1 банка	– 3 кг. – » –
8. Электр лампочкаси	1 дона	– 3 кг. – » –	19. Пиёзли лавлаги салати	1 банка	– 7 кг. – » –
9. «Фородент» тиш пастаси	1 дона	– 4 кг. – » –	20. «Неженский» салати	1 банка	– 12 кг. – » –
10. Лаб бўёғи	1 дона	– 3 кг. – » –	21. Шампан шароби ва бошқалар	1 шиша	– 20 кг. – » –
11. Сигареталар	1 пачка	– 2кг. – » –			

* * *

Товарлар рўйҳати ва нормалари ўзгариши мумкин.

Қабул қилиш пунктлари қуйидаги манзилларда жойлашган:

Тошкент шаҳрида
Ҳамза тумани:
Мальков кўчаси, 2.
Шолохов кўчаси.
Лисунов кўчаси.
Миробод тумани:
2 — Миралихов боши берк кўча, 19.
Подъёмник кўчаси, 1.
Клара Цеткин кўчаси, 1.
Чилонзор тумани:
26 — даҳа (макарон фабрикаси).
19 — даҳа
16 — даҳа
14 — даҳа
Ипподром
Юнусобод тумани:
Малясов кўчаси, 2.
Малясов кўчаси, 37.
Марказ — 6 («Қозоғистон» кинотеатри)
4 — даҳа (302 — мактаб)
11 — даҳа
Собир Раҳимов тумани:
2/3 Қорақамиш.
2/1 Қорақамиш.
«Миконд» заводи (металл базаси томонида)
«Семург» фабрикаси
Ангрен шаҳрида:
5/5 даҳаси, 14 — уй.
5/3 даҳаси Южная кўчаси («Саноаткартонсавдо» ҳиссадорлик жамияти умумий ётоқхонаси)
Навоий кўчаси, 22.
Қорабоғ шаҳарчаси.
Облиқ шаҳарчаси, Боғ кўчаси
Янгиобод — 2 да:
Бинокорлик материаллари дўкони.
Нуробод шаҳарчасида:
«Универсам» дўкони
Олмалиқ шаҳрида:
Телеграф ёнида 35 — сонли умумий ётоқхона «Саодат» дўкони
«Лола» дўкони
Оҳангарон шаҳрида:
14 — кичик даҳа, 2 — уй.
2 — кичик даҳа, 14 — уй.
Чирчиқ шаҳрида:
«Баҳор» кинотеатри
Янгийўл шаҳрида:
12 — МКК
Бекобод шаҳрида:
14 — кичик даҳа
11 — кичик даҳа
Бўка шаҳрида:
Босмахона

Маълумот учун мурожаат қилинсин:
Тошкент шаҳри, тел. 98 — 36 — 87
Ангрен шаҳри, тел. 3 — 57 — 28.

Барча давлат, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, деҳқон (фермерлик) хўжаликлари ва аҳоли диққатига «Ўртачирчиқпарранда» ҳиссадорлик жамияти сизлардан шартнома асосида, келишилган нархда, алмашув йўли билан макка ва буғдой донига қуйидаги шарт бўйича махсулот беради

1. 1.0 -1.5 кг донга (сифат бўйича) - 1 дона тухум
2. 1.0- 1.5 кг донга (сифат бўйича) - 3 кг пахта кунжараси

Бизнинг манзилимиз: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қорасув қишлоғи, Қорасув пахта тозалаш корхонаси ёнида жойлашган «Ўртачирчиқпарранда» ҳиссадорлик жамияти (паррандачилик фабрикаси).
Код 8-276 Телефон: 21-264.

ФАҚАТ 20 КУН!
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
1996 йил 15 февралдан бошлаб
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА!
акробатика, гимнастика, эквилибристика, баланс ҳамда жонглёрлик соҳасида жаҳонда улкан ютуқларни қўлга киритган
ХИТОЙ ЦИРКИ ЮЛДУЗЛАРИ ЕТАКЧИ САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
2 бўлимдан иборат йирик, хилма-хил дастурдаги цирк томошалари.
Томошалар иш кунлари 10, 14.00 ва 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.
Касса соат 18.00 гача очиқ.
Маълумот учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.
ЧИПТАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА СОТИБ ОЛИНГ!

ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРГА ТЎЛА

ҲА, бу кўҳна дунё инсон ақлини лол қолдирадиган ажаб мўъжизаларга бой. Қадим замонларда ер юзида етти мўъжиза бор, деб уларни бирма-бир санаб кўрсатган эдилар. Йўқ, етти эмас, мўъжизалар беҳад ва беҳудуддир. Улар жаҳоннинг турли бурчакларида тез-тез содир бўлиб турипти. Зотан, бу тўғрида матбуотларда ўқиб, радио ва телекўрсатувларда эшитиб ва кўриб, ажабтовур воқеаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Газетамиз номига вилоят ҳудудларида яшайдиган газетхонлардан ҳар куни ўнлаб хатлар келяпти. Уларни очар эканмиз, газетхонларимизнинг ана шу мўъжизаларга қизиқиб, уларни ўқиб билгиси келаётгани маълум бўлади. Биз ушбу саҳифани уларнинг илтимослари билан тайёрладик. Унда шу пайтгача кўпчиликни қизиқтириб келган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик. Ўқинг, ҳақиқатан ҳам дунё мўъжизаларга тўла эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Бу эртак эмас

НИҲОЯТ ЛОХ-НЕСС КЎЛИ МАҲЛУҚИ ТУТИЛДИ

Кейинги пайтларда Шотландиядаги Лох—Несс кўлида ғаройиб маҳлуқ аниқлангани ҳақидаги овозалар кучайиб, дунё олимлари ҳам қидирув ишларига киришиб кетганлиги, улар энг янги, замонавий, ғоят сезгир техника билан кўлнинг ҳар бир метр қисмини синчиклаб текшириб чиқаётгани ҳақида хабар тарқалганди. Шу изланишлардан бирор натижа чиқдими ўзи? Шу ҳақда газетангиз орқали хабар беришингизни сўрайман.

Тоҳир ИСМАТОВ,
Янгийўл шаҳри.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳа, изланишлар ўз натижасини берди. Яқинда эътиборли нашрлардан бири — «Всемирные новости» жаридасида шу ҳакда янги хабар босилди. Марҳамат, ўқинг, унинг таржимасини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

Эдинбург, Шотландия. Бир неча йилдан бери катта шов-шувга сабаб бўлаётган, узунлиги 20 метр, оғирлиги 20 тонна тош босадиган Лох-Несс маҳлуқини дунёнинг етти мамлакатидан келган олимлар биргаликда тутишди. Улар биринчи марта жаҳонга бундан неча асрлар аввал пайдо бўлган ва инсониятни ҳозиргача қизиқтириб келган бу маҳлуқни жуда ҳам аниқ қилиб фотосуратларга туширидилар.

— Мана у — биз кутган ва излаган далил, — деди маҳлуқни тутган экспертлар гуруҳи бошлиғи, француз зоологи доктор Майкл Женнет. — Биз унинг мавжудлигини исботладик. Энди мақсадимиз — унинг нималигини аниқлаш. Ҳозирча бу ҳайвоннинг номини ёки қайси турга мансублигини айтолмайман. Лекин биз ер юзидаги энг охирги динозаврни тутганимизни бутун қалбим билан ҳис қиляпман.

Дунёга Несси номи билан маълум бўлган бу маҳлуқни тутиш ишлари махсус тадқиқот лойиҳаси асосида олиб борилди. Уни амалга оширишга уч йил ва 9 миллион сарфланди. Бу ишларни уюштиришда Франция, Италия, Бельгия, Германия, Швеция, Норвегия, АҚШ ва Украина олимлари доктор Женнетни қўллаб-қувватлаб, яқиндан ёрдам беришди.

Катта мукофотлар ваъда қилинганига қарамай бу ишни бошлаш осон кечмади. Чунки, Европа ва АҚШнинг йирик олимлари Нессининг мавжудлигига шубҳа билдиришган ва уни афсона дейишганди.

— Биз қидирув бошидаёқ мисоллаб топилган обрў-эътиборимиз қил устида турганини билардик, — деб давом этди доктор Женнет. — Жуда кўп ҳамкасбларимиз устимиздан кулишганди. Ҳатто бир илмий журнал бизга Нессини бир ёққа қўйиб, Санта Клаусни қидирақолинглар, деб «маслаҳат» ҳам беришганди.

Лекин бундай гап-сўзлар, кесатиқлар олимларни тўхтатмади. 1989 йил январида улар Лох-Несс кўли қирғоғида ишловчи база ташкил қилишди, 32 ой мобайнида кўл туби ҳаритасини тузиб уни ўрганиб чиқишди.

Нессининг яшаш жойи билан танишгандан сўнг, улар 52 метрлик панжаралик темир қафасни хўрак сифатида балиқ билан тўлдириб кўл тубига туширишди. Қафасни иккита катта ҳаво тўлдирилган ёстиқчалар ушлаб турарди. Улар ёрдамида олимлар қафасни кўтариб, тушириб туришлари мумкин эди. Бир неча ҳафта қафасга ҳеч ким тегмади. Лекин ўтган йилнинг 24 ноябрь куни қандайдир катта куч қафаснинг бир томонини худди чириган матодек йиртиб юборди.

— Қафасни таъмирлаш ва янада қалин қилиб мустаҳкамлашга бир неча ҳафта, уни 1500 кг хўрак билан тўлдиришга эса яна уч кун керак бўлди, — деди доктор Женнет. — Ниҳоят 22 декабрь куни маҳлуқ яна қафасга кирди. Бу гал қафас синмади.

Дастлаб маҳлуқ анча олишди. Лекин ҳозир у кўл тубида ҳотиржам ётибди. Нессинигг ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшашини ҳисобга олган ҳолда, олимлар ҳаво тўлдирилган қоплар ёрдамида қафасни бир кунда уч марта сувдан кўтаришади ва унинг нафас олишига имкон беришади. Улар ҳар куни Нессини 1 тонна атрофида балиқ билан сийлашади. Бу унинг озод юрганда тутиб ейдиган овқатининг ярмини ташкил қилади.

— Ҳаммадан қизиғи Несси ўзини жуда ҳам яхши тутяпти, — деб давом этди эксперт. — Бизнинг ғоввосларимиз у билан аллақачон дўстлашиб олишган. Улар Нессининг бошини силашади, унга ўз қўллари билан овқат беришади.

Бир гуруҳ олимлар Нессини кўлдан лабораторияга кўчирмоқчи бўлишди, лекин бунинг хавфлилигини ўйлаб фикрларидан қайтдилар.

— Ҳозир биз Нессидан қон ва танасининг кичик бир бўлакчасидан тола олиб тадқиқ қилаяпмиз ҳамда унинг ҳолатини кечасию кундузи кузатяпмиз, — деди доктор Женнет. — Январнинг охирларида ишни тугатсак керак. Тадқиқотларимиз тугагач биз Нессини қўйиб юбормоқчимиз.

Доктор Женнет ва унинг ҳамкасблари жуда ҳам ҳаяжонда. Аммо баъзи олимлар, жумладан германиялик биолог Отто Крюгернинг айтишича илмий изланишлар кўлами доирасида Лох-Несс кўлидан топилган махлуқнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

— Мен доктор Женнет ва унинг ҳамкасблари ўз вақтлари ва билимларини бундан муҳимроқ муаммоларни, масалан СПИД касаллиги давосини топишга сарфлашларини истардим, — деди у.

Доктор Женнет эса бу ҳақда бошқача фикрда: — Лох-Несс махлуқининг ушланиши бизнинг фанга ва эволюцияга бўлган қарашимизни ўзгартиради. Баъзи бир ҳамкасбларим буни тан олмаяптилар. Лекин мен учун бу жуда оламшумул воқеадир.

Бу ишга ўз ҳиссамни қўшганимдан фахрланаман.

МУЗ ҚАТЛАМЛАРИДАГИ ОИЛА

ёки Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларидан қочиб ўзларини музлатган уч инсон ҳақида

ФРАНКФУРТ, ГЕРМАНИЯ. Изтиробда қолган миллионер Герман Крюгер иккинчи жаҳон уруши даҳшатларидан қочишнинг бошқа йўлини топа олмади. Уруш тугаганидан кейин уларни кимдир тирилтириб олишига умид қилган ҳолда бир олимга бутун оиласини музлатиб қўйиши учун 200 минг доллар тўлади.

Бу воқеа ярим аср илгари — 1943 йилда содир бўлган. Музлатилган одамларни эритиш эндигина фан сифатида тан олинаётган бўлишига қарамай эксперт-криогенист доктор Питер Хорн бу оилани февраль ойларидан қолдирмай ҳаётга қайтаришга аҳд қилганлигини билдирди.

— Бошланган иш криоген фанини юқорига кўтаришга хизмат қилади, — дейди эксперт. — Бошқа ҳолатлардан фарқли томони шундаки, ушбу оила тириклигича музлатилган. Шу сабабли уларни ҳаётга қайтариш имкониятлари бор. Фақат бир нарса бизни ташвишга солади, у ҳам бўлса музлатиш жараёнида уларнинг мия ва тўқимаси шикастланган бўлиши мумкин.

Доктор Хорннинг айтишича, у ушбу оилани 1936 йилда қурилган илмий-тадқиқот лабораториясининг музлатиш хонасидан топган. Доктор лабораторияни сотиб олгунга қадар бу ерда жуда кўп олимлар ва врачлар ишлашган. Барча хоналар қутиларга жойланган техник асбобускуналар, ўн йиллар давомида йиғилиб ётган майда-чуйда жиҳозлар билан тўла эди. Таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш вақтида музлатиш хоналаридан биридаги брезентни кўтарганларида доктор Хорн 180х120 сантиметр ҳажмдаги муз қатлами орасида ётган Крюгерлар оиласига кўзи тушиб қолди. Улар — 39 ёшли Герман (эри), 38 ёшли Хельги (хотини), ва 5 ёшли Кристина (қизи) ёнма-ён ётишарди.

Сақланиб қолган ҳужжатларга қараганда Крюгер олим Альберт Блохга оиласини иккинчи жаҳон уруши тугагунча музлатиб қўйиши учун 200 минг доллар тўлаган. Бизнингча, Адольф Гитлер ва нацистларни ёмон кўрган Крюгер олимга агар иттифоқчилар қўшини ғолиб чиқса ўзларини эритиб олишни буюрган.

— Нима учун оиласини музлатишни ҳоҳлаганини фақат Крюгернинг ўзи айтиб бериши мумкин, — деди доктор Хорн. — Менга маълум нарса шуки, Блох 1944 йилда ўлган ёки бедарак йўқолган. Шу сабабли Крюгерга берган ваъдасини бажариб, уларни вақтида эритмаган. Шу туфайли улар ҳозиргача музлаган ҳолда ётибдилар. Лаборатория ходимлари эса музлатиш хонасида бутун бир оила сақланаётганини билмаганлар ёки билсалар ҳам бунга аҳамият бермаганлар.

Доктор Хорннинг айтишича, Крюгерларнинг қаридошларидан ҳеч ким тирик қолмаган. Демак, у бошқаларнинг қаршилиги ва аралашувисиз ўзининг «тирилтириш жараёни»ни бошлаб юбориши мумкин.

— Мен ва менинг ассисентларим мурдаларни эритиш жараёнини аста-секинлик билан, уч-тўрт ой ичида ўтказамиз, — гапида давом эди у. — Фикримча, тана ҳароратини Фаренгейт бўйича 68 даражага кўтарганимиздан сўнг уларнинг юрагини электро шок ёрдамида ишлата олсак ажабмас. Шунга эришсак, танани иситишда давом этамиз, токи ҳарорат нормага келгунча. — Худди ана шу босқичда Крюгерлар бутунлай ўзларига келишлари керак. Шундагина биз уларнинг ақлий ва жисмоний томондан соғлиқларини текшириб, баҳо беришимиз мумкин.

Тиббиётда илгари бундай тажриба қилиб кўрилган. 1990 йилда биринчи марта 1936 йилда музлатилган америкалик бизнесчи «эритиб» тирилтирилган. У тўрт йил яшаб, 1994 йилнинг 14 декабрида вафот этган.

КУЛГИ КАСАЛЛИГИ

ТАНЗАНИЯДАГИ қишлоқлардан бирида тўхтовсиз кулиш касаллиги тарқалди. Инглиз шифокори Роберт Холден бу янги касалликни текшириб, шундай хулосага келди: номаълум вирус кулги этлари фаолиятини бошқариш билан боғланган марказий асаб тизимининг бир қисмини емиради. Вирусга қарши ҳозирча доривор топилганича йўқ. Балки бундай дорини изламасалар ҳам эҳтимол. Негаки, кулги касаллигига чалинган бемор бир неча кундан сўнг тузалиб кетяпти.

ГУНГ ТИЛГА КИРДИ

ИТАЛИЯЛИК Фабриций Ринори бош миясига зарар етиб туғилганлиги сабабли туғма соқов бўлган. Аммо ғоят серҳаракат ва жисмонан бақувват бу йигит регби спорти билан шуғулланиб, ишқибозларнинг олқишига сазовор бўлди. Яқинда 21 яшар спортчи Прато шаҳридаги мусобақада қатнашаётганида ҳакамнинг нотўғри хулосасидан сўнг ўзаро жанжал чиқиб кетди. Ана шунда командадош ўртоқларини лол қолдирган воқеа содир бўлиб, Фабриций бирданига тилга кирди. Унинг ҳакамга қарата айтган биринчи сўзини бу ерда айнан келтириб бўлмайди, албатта.

XII АСРДАН СЎНГ УНИБ ЧИҚДИ

ЛОС-АНЖЕЛЕС шаҳрида жойлашган Калифорния университетининг олимлари 1200 йил давомида сақланиб келаётган лотос гули уруғини кўкартиришга эришдилар. «Бу кичкина уруғ тўрт кун ичида худди кечаги куни туғилган янги уруғдай униб чиқди, — дейди ўсимликлар физиологияси бўйича мутахассис Жейн Шен-Миллер.

Ушбу тадқиқот олдидан Жейн ва унинг ҳамкасблари яна бир неча қадимги лотос уруғини (уларнинг ёши уч юз йилдан олти юз йилгача эди) кўкартиришга муваффақ бўлган эдилар. Барча уруғлар Пекиндаги Ботаника институтидан келтирилган ва уларнинг ёши радиоуглерод усули билан аниқланган эди. Тадқиқотчилардан бири битта уруғни ўз ҳовлисида оддий бочкага экканида у тез униб чиқибгина қолмай, кўп барг ёзди ва замонавий лотосларга қараганда ғоят тез суръатлар билан ўсиб, тўққиз ой яшади.

ҚЎЙ ЮРАГИ БИЛАН ҲАМ ЯШАСА БЎЛАРКАН

Чет элда доктор Кристиан Бернарднинг инсон юрагини биринчи марта кўчириб ўтказганидан бери орадан 28 йил ўтди. Шундан буён бир қатор мамлакатларда олимлар ана шундай жаррохлик ишларини кўп марта такрорладилар. Бу ҳақда матбуотда босилган мақолаларни ўқиб, танишиб борганмиз. Аммо мени бошқа бир нарса қизиқтиради. Доктор Кристиан Бернардан олдин шу иш билан қизиққан ёки шундай жаррохликка қўл урган кишилар бўлганми?

Сафар ДИЁРОВ,
Бўстонлиқ тумани.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳа, бўлган. Яқинда жаҳон матбуотларидан бирида шу ҳақда мақола босилиб чиқди. Илтимосингизга биноан ушбу мақолани ўзбекчага ўгириб, босяпмиз.

СИЭТЛ, ВАШИНГТОН ШТАТИ. Хитойлик кардиолог Яо Хсиюнг ушбу жаррохлик операциясини 1951 йилнинг 6 июлида ўтказган. Ўшанда «қаҳрамонимиз» Эндрю Гофф 25 ёшда эди. Бу воқеа содир бўлганида 1967 йилда доктор Кристиан Бернард муваффақият билан ўтказган инсон юрагини биринчи марта кўчириш операциясига ҳали ўн беш йил бор эди.

Шунинг учун бўлса керак, хитойлик кардиологнинг бу ғоясини жаҳон тиббиёти «аҳмоқона ва ўта масъулиятсизлик» деб атади. Кўпчилик экспертлар эса Гоффнинг организми қўйнинг юрагини қабул қилмайди ва у операциядан кейин бир неча дақиқагина яшайди, холос, деб башорат қилишганди. Аммо уларни ҳайратда қолдирган ҳолда операция жуда яхши ўтди. Бундан ташқари орадан 43 йил ўтганига қарамасдан Гоффнинг соғлиғи ҳамон жойида.

— Ҳозиргача қандай қилиб нафас олаётганимни ўзим ҳам билмайман, — деб ҳикоя қилади Гофф. — Агар ўшанда бирон-бир бошқа йўли бўлганда мен юрагим ўрнига қўйнинг юрагини кўчириб ўтказишга ҳеч ҳам рози бўлмаган бўлардим. Лекин ўшанда ҳалок бўлаётган эдим. Врачлар мени икки ҳафтага ҳам етмайди, дейишди. Шунда доктор Яо ўзининг тадқиқот-тажриба операцияси учун ўз хохиши билан рози бўладиган одамни қидираётганини эшитиб қолдим. Дарҳол операцияга розилик билдирдим.

Америка тиббиёт уюшмаси (АТУ) бу операцияни тан олишдан бош тортди. Лекин уларнинг юқори мартабали бир вакилининг айтишича, улар бу воқеани қаттиқ сир тутишаркан.

— АТУдагилар учинчи дунё мамлакати жаррохи 1952 йилдаёқ уларнинг ғарбдаги врачлари ҳозиргача қила олмаётган ишни уддалаганини тан олишлари қийин, албатта, — деди машҳур врач доктор Яо. — Чунки ҳайвон юраги кўчириб ўтказилгандан кейин бемор яшаётгани ҳақида бошқа бирор ҳол рўйхатга олинмаган-да. Шунданми АТУдагилар учун Гофф воқеаси умуман бўлмаган, деб ҳисоблаш осонроқ.

— Менинг жаррохлик ишларим қадимги Шарқ табобати негизларига асослангандир, — деди жаррох. — Бунинг ҳеч хайрон қоларли жойи йўқ. Қўйнинг юраги тузилишига кўра инсон юрагига жуда ўхшаш. Мен жаррохлик йўли ва махсус ўтлардан тайёрланган суюқ дорининг уйғунлашувидан унумли фойдаландим. Худди ана шу дори инсон организми бегона юракни қабул қилишини таъминлайди. Гофф бу доридан мунтазам қабул қилиб юрса — яшайди ва ҳаёт лаззатларидан худди бошқалардек бахраманд бўлади.

Хитой Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра 1952 йилдан бери доктор Яо қўй юрагини инсон организмига кўчириб ўтказиш операциялардан яна 62 тасини муваффақиятли амалга оширган.

(Ушбу саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари Кумуш Эгамбердиева ва Рафиқ Турсунов вилоят, мамлакат ва жаҳон матбуотида босилган хабарлар асосида тайёрладилар).

ТАБИАТНИНГ ҚАЛТИС ҲАЗИЛИ

БИР куни эрталаб ўн яшар инглиз қизи Вика Вилмор уйқудан боши қаттиқ оғриб уйғонди ва шу кундан эътиборан дафтар сатрларига чапдан ўнгга қараб эмас, ўнгдан чапга, ҳатто ҳарфларни ҳам худди шундай тескари ёзадиган «қилиқ» чиқарди. Унинг ўқитувчилари бу ёзувнинг ёнига кўзгу қўйиб, унинг аксига қараб ўқишга мажбур бўлдилар. Медицина текширувлари ҳам бу сир сабабларини очиб беролмади. Шифокорлар Вика Вилморни даволашга ожизлик қилдилар. Буни қарангки, яқинда Вика кетаётиб, қоқилиб тушди ва боши билан йўлга қаттиқ урилди. Шунда шифокорларни ҳайратга солган воқеа содир бўлиб, у яна аввалгидек тўғри ёзадиган бўлиб қолди.

ТАСОДИФНИ ҚАРАНГКИ...

● МИЛАН шаҳрида яшайдиган Витторио Веронининг машинаси шаҳардан чиқаверишда темир йўл устида тўхтаб қолди. Витторио уни ташлаб чиқишга улгуролмади. Поезд машинага келиб урилди. Тақдирни қарангки, роппа-роса беш йил олдин унинг қизи ҳам худди шу ерда шу тарзда ҳалоқ бўлган эди. Ўшанда ҳам поездни шу машинист бошқариб бораётганди.

● 1664 ЙИЛНИНГ 5 декабрь куни Уэльснинг шимолий қисмида 81 нафар йўловчини олиб кетаётган кема ҳалокатга учради. Хю Вилямс деган бир йўловчигина қутулиб қолди. 1785 йилнинг худди ўша 5 декабрь куни ўша жойда 60 йўловчиси билан яна бир кема чўкиб кетди. Бу гал ҳам Хю Вилямс деган бир йўловчи тирик қолди. Орадан 75 йил ўтгач 5 декабрда яна ўша жойда кема ҳалокати рўй бериб, фақат бир йўловчигина қутулиб қолган. Буни қарангки, унинг ҳам исми Хю Вилямс эди.

● Даниялик физик олим Якоб Бор сопол парчаларини ўрганаётиб бир нарсага эътибор берди: у парчаларни катта-кичиклигига қараб ажратаркан, майда парчалардан иборат бўлақ ўрта ҳажмдаги парчалардан иборат шунча бўлакдан 16 баравар, у ҳам ўз навбатида катта парчалардан тўпланган шунча миқдордаги бўлакка қараганда 16 баравар оғир экан.

● Эрамиздан олдинги олтинчи асрда Хитойнинг Цюйфу деган жойида Кун Цзи исмли киши ўз таълимоти билан чиқди. Кейинчалик у Конфуций таълимоти бўлиб бутун Хитойга тарқалди.

Худди шу даврда Ҳиндистоннинг шимолий қисмидаги Капилавасту шаҳрилик Шаки деган рожа авлодларидан Сиддартха Гаутама саройини тарк этиб, инсониятни азоб-уқубатлардан халос этиш йўлларини излади. Унинг таълимоти Будда номи билан бутун дунёга маълум-машҳур бўлиб кетди.

Худди ўша даврда Хитой ва Ҳиндистондан анча олисда — Месопотамиядаги Вавилон салтанатида Иезекиил ва Даниил деган кишилар ҳам ғойиб бўлган тиллашиб, яқин ва узоқ келажакда содир бўладиган воқеаларни олдиндан башорат қилдилар. Уларнинг ушбу башоратлари кейинчалик илоҳий китобга киритилди.

Худди ўша даврнинг ўзида Грециядан ташқари Кичик Осиё ва Жанубий Италиянинг бир қисмини мужассамлаштирган «Буюк Греция»да Анаксимен, Анаксимандр, Фалес, Гераклит, Ксенофан, Пифагор номлари билан биринчи фалсавий мактаблар вужудга келди.

Ушбу сатрларни ўқиган киши бу бир тасодифдир, деган фикрни билдириши мумкин. Аммо қўлингизга чизғич олиб, харитадан Жанубий Италия, Греция, Кичик Осиё, Вавилон, Капилавасту (Непал) ва Цюйфу устидан қалам юргизиб кўринг-чи, бу ўлка ва шаҳарлар тўғри чизиқ устига жойлашади. Бу ҳам ўз ўрнида дунё бир-бирига ўхшаш тасодифларга тўла эканлигидан далолат беради.

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ ЧОРАК ФИНАЛДА

МОСКВАДА Ҳамдўстлик мамлакатлари чемпионлари Кубоги учун ўтказилган мусобақалар ҳал қилувчи паллага кирди. Республикамизнинг тўрт карра чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари дастлабки учрашувни Кишиневнинг «Зимбрул» жаоаси билан ўтказишди. Учрашувнинг 40-минутида ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган фарғоналиклар иккинчи бўлимда ташаббусни қўлларига олиб, фаол ҳужумга ўтишди ва 76-ҳамда 87-минутларда С.Андреев иккита тўп киритишга муваффақ бўлди. «Нефтчи» Россия ёшлар терма командаси ҳамда Риганинг «Сконто» жамоалари билан бўлган учрашувларда бир хил 1:2 ҳисобида енгилган бўлишига қарамай чорак финалга чиқди.

Мусобақа низомига кўра фарғоналиклар чорак финалда «В» гуруҳи ғолиби бўлган Владикавказнинг «Спартак-Аллани» жамоаси билан учрашади.

«Сконто» эса Семипалатинскнинг «Елимай» жамоасига қарши тўп суради. «С» гуруҳида Киев ва Минск динамочилари чорак финалга йўлланма олдилар.

МАЙДОНДА... ҲОКИМЛИК ВАКИЛЛАРИ

МИНИ — ФУТБОЛ бўйича Тошкент вилояти биринчилиги учун шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳаваскор футбол жамоалари ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда 11 команда қатнашди. Жамоалар икки гуруҳга бўлинишди. «Чимён»да беш жамоа, Чирчиқ қишлоқ машинасозлиги спорт комплексида олти жамоа саралаш учрашувларини ўтказишди. Гуруҳларда биринчи ўринларни эгаллаган «Янгийўл» ва «Оҳангарон» футболчилари ғолиблик учун «Чимён» спорт комплексида ўзаро учрашдилар. 2:0 ҳисобида устун келган «Янгийўл» футболчилари турнир ғолиби бўлишди ва бош соврин билан тақдирланишди.

Учинчи ўрин учун ўз гуруҳларида иккинчи ўринни эгаллаган Олмалиқ ва Чирчиқ жамоалари ўзаро беллашдилар. Кескин курашда 2:1 ҳисобида ғалабага эришган олмалиқлик ҳаваскор футболчилар учинчи ўринни эгаллашди.

Футболга жойларда эътибор тобора кучаяётган ҳозирги пайтда бундай мусобақада Зангиота ва Тошкент тумани ҳокимлиги вакиллари жамоалари қатнашмаганлиги ачинарлидир. Зангиота туманида ўзаро футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Бироқ, нима сабабдандир туман терма жамоаси вилоят биринчилигига бормади. Тошкент туманида эса умуман бундай турнирни ўтказиш спорт мутасаддиларининг ҳаёлига ҳам келмади.

Вилоят шаҳар ва туман ҳокимликлари футбол ихлосмандлари ўртасида бундай турнирни ҳар йили ўтказиб туришга келишиб олинди.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Академияси, Олий харбий техник билим юртларига (кундузги бўлим,ўқиш муддати 4 йил), Ёнғиндан сақлаш Олий техник мактабига (кундузги бўлим, ўқиш муддати 1-босқич — 2 йилу 8 ой, 2 босқич — 4,5 йил) тапабаликка номзодларни танлашни эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ўқув юртларига ўрта маълумотли, ёши 17 дан 23 гача бўлган, бўйи 170 см дан паст бўлмаган, ўқиш ва иш жойидан ижобий тавсифномага эга бўлган ва соғлиги жиҳатидан ички ишлар идораларида хизматга яроқли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Ўзингиз билан паспорт, харбий ҳужжат, ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома (мактабни битираётган ёшлар чорак баҳоси қўйилган табель), ўқиш ёки иш жойидан тавсифнома бўлиши керак.

Ўқишга киришни хохловчилар Тошкент вилоятида жойлашган турар жойн бўйича ички ишлар бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6